Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 27-noyabr • Seshanba • 144 (27.789) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари шарт».

Сирдарёнинг оҳанрабоси
ёхуд чўл бағридаги бунёдкорлик сир-синоати хусусида
2

Баъзан ўйлаб ўйимга етолмайман. Биров Фарғона деб аталмиш «Бахтлар водийси»ни, бошқаси Зоминнинг соф ҳавосини, яна кимдир Форишнинг зилол сувларини ташлаб нечук шу заминни абадий қўналға қилган экан? Бунинг сир-саноати нимада?..

Фонограмма тақиқланди
3

Москва шаҳри маъмурияти тингловчилар ҳуқуқларини янада кенгроқ ҳимоя қилишга киришди. Жумладан, Москва шаҳри мэри Юрий Лужков пойтахт концерт залларида фонограммадан фойдаланишни тақиқловчи қарор қабул қилди.

Сабр ва савоб йўллари
туташса меҳр уйғонади, мурувват дарахти кўкаради
4

Кўп йиғинларда расмиятчилик учунми, узундан узоқ маърузалар ўқилиб, эндигина иш бошлаган ташкилот мақталади. Бу ерда эса... акси бўлди.

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

Гўзаллик яратувчилар

Инсоннинг табиати нозик. Ҳар доим атрофимизни гўзаллик қуршаб туришини истаймиз. Уйимиз, ишхонамизни турли буюмлар билан безашга ҳаракат қиламиз.

Пойтахтимиздаги «Совпластитал» қўшма корхонасида ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. 1987 йилдан буён фаолият кўрсатаётган корхонада улар асосан сопол, полиэтилен, чинни, рангли шиша ва бошқа хомашёдан тайёрланади. Стол-стуллар уйрўзғор ва ошхонамиз учун қулайликлар яратса, сувенир, совға, уй ва офисларни безашга мўлжалланган маҳсулотлар ҳар қандай нозик дидли кишининг ҳам кайфияти, руҳиятини кўтаришга хизмат қилади. 600 нафарга яқин ишчи-ходим меҳнат қилаётган жамоа бугун 8 минг хил ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқараяпти.

— Айни пайтда Самарқанд, Урганч, Москва шаҳарларида корхонамизнинг савдо уйлари фаолият кўрсатаяпти, — дейди бош директор ўринбосари Жамолиддин Шайхов. — Харидорларнинг фикрлари, эҳтиёжларини ўрганган ҳолда маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини янада ошириш ва савдо уйлари тармоғини кенгайтириш устида мунтазам иш олиб бораяпмиз.

(Ўз мухбиримиз)

Суратларда: безакчи Тамара Юсупова; тайёр маҳсулотлар; оператор Александр Харитонов.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

23 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқи

Бу йил мусулмонларнинг муқаддас Ҳаж зиёрати Ўзбекистон фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясининг якуний босқичига тўғри келади. Жорий йилда 5 минг нафарга яқин ҳамюртимиз Ҳаж сафарини адо этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган сайлов ҳуқуқидан фойдаланиш зиёратчиларга олдиндан овоз бериш имкониятини яратади.

Бу «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга тўла мос келади. Ушбу қонуннинг 31-моддасида сайлов куни истиқомат жойида бўлиш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз истиқомат жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақаларини талаб қилиб олиши, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусида қарорга келиши ҳамда тўлдирилган сайлов варақаларини конвертга яширган ҳолда участка комиссиясига қолдириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ушбу қонун нормасининг ижросини таъминлаш доирасида 16 ноябрь куни бўлиб ўтган мажлисида Ҳаж тадбирларида зиёратчи сифатида иштирок этувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича овоз беришларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Хусусан, мазкур қарорда зиёратчиларнинг муддатдан олдин овоз бериши участка сайлов комиссиялари томонидан уларнинг яшаш жойларида ташкил этилиши лозимлиги таъкидланган. Бунда Ҳаж амалини адо этиш учун кетаётган барча фуқаролар қонунда белгиланган тартибда сайлов варақалари билан таъминланади.

(ЎзА)

«Мен биринчи марта овоз бераман!»

Ватан келажагига дахлдорлик

Ўн саккиз ёшга тўлган ҳар бир фуқаро сайлаш ҳуқуқига эга бўлади. Мен ҳам Конституциямизнинг ушбу қоидасига асосан илк бор сайловда қатнашиш бахтига муяссар бўлаяпман. Маҳалламиздаги сайлов участкасидан вакил келиб Президент сайловида менинг ҳам иштирок этишимни айтганида жуда ҳаяжонландим. Чунки мен ҳам мамлакатимиз келажаги учун, эртанги кунимиз учун овоз бераман. Демак, жамиятда менинг ҳам ўрним бор...

Диёримизда ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик бизни шу азиз Ватан менинки, унинг эртаси учун жавобгарман, деб яшашга ундайди. Биргина бизнинг туманнинг ўзида тиббиёт, банк, саноат-транспорт, маиший хизмат, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги — жами олтита замонавий касб-ҳунар коллежи бор. Уларда XXI аср андозасида илм ва касб-ҳунар маҳорати ўргатилади.

Мен ўзим Тўрткўл банк коллежида ўқияпман. Биз ўз соҳамиз бўйича билимлар олиш билан бирга, ҳуқуқий илмларни ҳам чуқур эгаллаб бормоқдамиз. Бу борада асосий машғулотлардан ташқари «Сиз қонунни биласизми?», «Қомусимиз — фахримиз», «Ёш банкирлар» каби кўрик-танлов ва викториналар ҳам муҳим аҳамият касб этяпти.

Яқинда Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулуғбек Абдусаломов биринчи марта овоз бераётган бир гуруҳ ёшлар билан учрашув-мулоқот ўтказди. Тенгдошларим берган саволлар уларнинг нафақат сайловдаги ўз ҳуқуқлари, сайлов участкалари аъзоларининг ҳуқуқий билим даражаси билан ҳам қизиққани, балки кенг мушоҳада юритиши, бўлажак сайловдаги иштирокига катта масъулият билан қараши мени жуда қувонтирди.

Ёшларга бундай эътибор қонунчилигимизга ҳурмат, келажак авлодларга ғамхўрлик, меҳрибонлик, Ватанимизнинг эртанги кунига масъулият ифодасидир. Бу ҳар биримизнинг зиммамизга ўз бурчимизни виждонан ўташ вазифасини юклайди. 23 декабрь куни кўнглимдаги ана шу фикрлар, мулоҳазалар билан сайлов участкасига бораман ва Ватаним келажаги учун овоз бераман.

Шоира ТАНГРИБЕРГАНОВА,
Тўрткўл банк коллежи талабаси.

Мода ва дизайн ҳафталиги бошланди

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан «Дом стиля» ва «Осиё рамзи» модельерлар уюшмалари билан ҳамкорликда ташкил этилган «Style.Uz» Мода ва дизайн ҳафталиги бошланди.

4-бет

Бугунги кун мавзуси!

Мана, саховатли олтин кузнинг ҳам сўнгги кунлари ниҳоялаб, қиш эшик қоқиб келди. Уч-тўрт кундан буён ҳавонинг авзойи бузилиб, кўкда ола булутлар сузаётир. Гоҳо осмон чоки узилиб, вақти-вақти билан ёмғир шивалай бошлади. Жойларда (аниқроғи, шимолий ҳудудларда ёмғир қорга ҳам айланмоқда. Ҳавода совиш кузатилаяпти. Хўш, эрта-индин бошланадиган аёзли кунларга тайёрмизми? Халқимизнинг «қиш ғамини ёзда қил» деган нақлига иссиқ-илиқ кунларда нечоғли амал қилдик?

Қуйида мухбирларимиз вилоятлардан шу ҳақда хабарлар беришади.

Қиш мавсуми: тайёргарлик қандай?

САМАРҚАНД. Вилоят ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган дастурга кўра, барча иситиш бўғинларини кўрикдан ўтказиш, таъмирлаш ва ёқилғи турларини жамғариб қўйиш ишлари ниҳоясига етказилди. Жумладан, 61,2 километр узунликдаги газ шохобчалари, 52 та қозонхона, иссиқлик тармоқлари ва ўнлаб тегишли объектлар қиш синовига барвақт тахт қилиб қўйилди. Шунингдек, 100 километр масофадаги газ тармоқлари, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимлари муассасаларининг иситиш шохобчаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

— Биргина Самарқанд шаҳрида 931 та кўпқаватли уй-жойларга 172 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари коммунал хизмати кўрсатади, — дейди **вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари котибияти мудири Тоҳир Мамадалиев.** — Шаҳар Хусусий уй-жой мулкдорлари уюшмаси қошида марказий диспетчерлик хизмати ташкил этилган. У шаҳардаги 7 та авария хизмати бригадаларини ўз ичига олиб, кўпқаватли аҳоли турар жойлари, коммунал ва ижтимоий соҳалар объектларида юзага келган носозликларни бартараф этишда тезкор ёрдам кўрсатишга йўналтирилган. Зарур жиҳозлар ва транспорт воситалари билан таъминланган. Вилоят бўйича 29,2 минг тонна кўмир ва 1,168 минг тонна суюлтирилган газ захиралари тайёрлаб қўйилди. Улар айни қиш забтига олган кезларда асқотади, албатта.

2-бет

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 27 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	1133,06	1 Польша злотийси	517,13
1 Англия фунт стерлинги	2649,24	1 СДР	2041,91
1 Дания кронаси	255,05	1 Туркия лираси	1079,57
1 БАА дирхами	350,20	1 Швейцария франки	1161,32
1 АҚШ доллари	1285,23	1 ЕВРО	1900,47
1 Миср фунти	233,40	10 Жанубий Корея вони	13,86
1 Исландия кронаси	20,84	10 Япония иенаси	117,59
1 Канада доллари	1311,06	1 Россия рубли	52,63
1 Хитой юани	173,33	1 Украина гривнаси	254,50
1 Малайзия рингити	381,00		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Қиш мавсуми: тайёргарлик қандай?

(Давоми. Боши 1-бетда)



ЖИЗЗАХ. Вилоят ҳокимлиги қошидаги иқтисодиёт корхоналари ва муассасаларни 2007-2008 йил куз-қиш мавсуми даврида барқарор ишлашига тайёрлаш штабидан берилган маълумотларга қараганда, ҳозиргача 5 та юқори қувватли қозонлар, 3 километрлик иссиқлик тармоқлари, 17,6 километр узунликдаги ичимлик суви тармоқлари шайлаб қўйилди. 31,6 километр табиий газ тармоқлари ва 1991 йилгача қурилган 170 та кўпқаватли уй-жойлар мукаммал таъмирдан чиқарилди. 1,5 километр иссиқлик узатиш тармоқлари жорий таъмирланиб, 3 километрдан ортиқ тармоқлар иссиқликни сақловчи махсус қопламалар билан қопланган. Булардан ташқари, 66,9 километр газ тармоқлари, 3304 дона газ тақсимлаш пунктлари, 2,5 километрлик ичимлик суви тармоқлари, 321 та мактаб бинолари, 7 та шифохона ва 182 та кўпқаватли уйлар жорий таъмирдан чиқарилган.

— Жиззах шаҳридаги «Иттифоқ» маҳалласи ҳудудида, кўпқаватли 38-уйнинг 32-хонадонида истиқомат қиламан, — дейди **Любовь Афанасьева.** — Ўтган қишда уйимиз яхши иситилмаган ва томидан қор-ёмғир сувлари ўтиб кетганидан кўп азият чеккандик. Бу йил «Алишер-хизмат» уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан уйимизнинг иссиқлик тармоғи ҳам, томи ҳам мукаммал таъмирдан чиқарилди. Энди қишнинг қаҳридан ҳам, қор ва ёмғирдан ҳам қўрқмаймиз...

Шу ўринда бир мулоҳаза: бугун биз вилоят ҳудудида қишга ҳозирлик бўйича ҳамма ишлар жойида, муаммолар йўқ демоқчи эмасмиз. Негаки, айрим кўпқаватли уйлардаги уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ҳозирги фаолиятлари ҳали талаблар даражасида, дейиш қийин. Лекин муаммолар биринкетин ечимини топмоқда. Бунинг учун барча чоралар кўрилмоқда.

ФАРҒОНА. Вилоят марказидаги кўпқаватли турар-жой биноларининг қишга ҳозирлиги ҳолатига қараб бутун вилоят микёсида ҳам бир хулосага келиш мумкин. Дейлик, шаҳардаги мавжуд 1165 та кўпқаватли турар-жой биноларининг 60 фоизидан ортиқроғи бундан 25-30 йиллар илгари қурилган. Бу эса ўз навбатида уларнинг ҳар тарафлама мукаммал таъмирланишини тақозо этади, албатта.

Охунбобоев мавзесидаги «Фарғона Кабутар» уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли уйларда қишга тайёргарлик бўйича анча ишлар амалга оширилганини кўрдик.

— Квартира тўловлари ҳисобига раис, бош ҳисобчи, газначи, иш юритувчи, слесар, газ пайвандчи, тўрт нафар фаррош маош олишади, — дейди **ширкат раиси Х.Абдураззоқова.** — Бу йил тасарруфимиздаги 16 та кўпқаватли бинолардан иккитасини мукаммал таъмирдан чиқараяпмиз. Ширкат бу борада ўзига юклатилган ишларни аллақачон бажариб қўйди ҳам. Масалан, уйларнинг кираверишига темир эшиклар ўрнатилди, томлар таъмирланди, ертўлалар тозаланди. Иситиш тармоқлари созлаб чиқилди...

Фарғонадаги кўплаб уй-жой, ўқув ва тиббиёт масканлари, маъмурий биноларда иситиш тармоқлари таъмирланиб, қишга пухта ҳозирлик кўрилди. Шунингдек, туман марказлари ва қишлоқ жойларида ҳам муаян ишлар амалга оширилмоқда. Аммо, қишга тайёргарлик бўйича бундай ижобий ҳолатлар кўп бўлса-да, айрим уй-жой ширкатлари фаолиятидан кўнгил тўлмаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас.

— Уйимиздаги иситиш тармоқлари талаб даражасида ишламаяпти, — дейди **А.Навоий кўчаси. 37 «ж» уйда яшовчи Э.Қодиров.** — Йўқса, мазкур уй ўтган йили мукаммал таъмирдан чиққанди. Лекин томдан чакка ўтиши тўхтагани йўқ. Уй йўлаклари таъмиридан ҳам қониқмадик...

Яна бир мулоҳаза: сўнгги пайтларда уй-жойларни (объектларни) мукаммал таъмирлаш ишлари тендерда ютиб чиққан корхона ва фирмаларга топширилаётгани ижобий ҳол. Чунки бунда таъмирловчи корхоналар масъулияти ортади... Бироқ ўзларига бўлган ишончни оқламаётган таъмирлаш корхоналари ҳам йўқ эмас. Масалан, Ал-Хоразмий кўчасидаги 9-«б» уйнинг мукаммал таъмирини тендерда ютиб чиққан «Бувайда меҳнат» хусусий фирмаси амалга оширишга киришди-ю, сентябрь ойи охирларида уй ертўласига 150 метр қувур ўрнатиш билан чекланишди, холос. Фирма таъмир учун зарур материаллар, темир қувурлар етишмаслигини баҳона қилди. «Шундай экан, нега масъулиятни зиммангизга олдингиз?!» деган ҳақли савол туғилади.

СИРДАРЁ. Гулистон шаҳар марказий иссиқлик тармоқлари узоқ йиллар давомида қаровсизликдан «чарчаган», жиддий таъмирга муҳтож бўлиб қолганди. Шаҳарда магистрал иссиқлик трассаларини мукаммал ва жорий таъмирлаш режалари бажарилган бўлса-да, эҳтиётдан 2,2 километр масофадаги трасса қувурлари иссиқлик сақлаш қопламалари билан ўралди. Марказий иситиш тармоқларининг кучи етмаган жойларда бу йил биринчи марта ихчам (локал) иситиш қозонлари ўрнатилди. Жумладан, мавсумга тараддуд жараёнида кўпқаватли уйларга 7 та, умумтаълим мактаблари ва хорижий тиллар лицейига 17 та шундай ихчам қозонлар ўрнатилди. Шунингдек, Гулистон давлат университети, 6 та коллеж ва 2 та академик лицей бинолари ҳам бу йил марказий ва локал иситиш тармоқларига уланди. Халқ таълими, тиббиёт муассасаларида ҳам қишга тайёргарлик ишларига ҳар қачонгидан жиддий эътибор қаратилди. Иссиқлик, электр таъминотида узилиш бўлмаслиги учун ногаҳон газ босими кескин пасайиши мумкин бўлган ёки кутилмаган авария ҳолатлари юз берган ҳолларда ҳар эҳтимолга кўра, қаттиқ ёқилғи (кўмир) захираси жамланди...

— Шаҳар ҳокимлиги ва маҳаллалардаги штаблар, коммунал хизмат шохобчалари, марказий диспетчерлик хизмати, электр, газ, иссиқлик таъминоти корхоналарининг диспетчерлик хизматлари билан аҳоли ўртасида узвий алоқа бўлиши учун ҳокимият биносида «055» хизматини жорий қилдик, — дейди **Гулистон шаҳар ҳокими Бахтиёр Иброҳимов.** — Қаерда бирон кор-ҳол содир бўлса, фуқаролар телефон қилишса бас, муаммо зудлик билан ҳақиқий ўз ижрочиларга етказилади ва уни шошилинч бартараф қилиш имкони бор. Қиш муаммолари «Тез ёрдам»и учун ҳокимият биносидан жой, зарур алоқа ва транспорт воситалари ажратилди, қулайликлар яратилди...

Ҳа, аҳоли қишки мавсумни ортиқча ташвишларсиз ўтказиши кеча ва бугун қилинаётган ишларга боғлиқ. Айни қиш чилласида бironта иссиқлик тизими ишдан чиқса ёки газ, электр энергияси таъминотида узилиш бўлса, мактаб, боғча, касалхоналар иситилмай қолса... ҳеч қандай сабаб билан оқлаб бўлмайди. Бугун амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар шаҳар ҳокимлиги ва масъул идоралар масаланинг моҳиятини чуқур англаётганларини кўрсатиб турибди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
Алишер ИБОДИНОВ,
Мунаввар ПАРДАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

ТАҲРИРИЯТДАН: Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидаги мухбирларимиз билан ҳам боғланиб, жойларда тайёргарлик ишлари билан қизиқдик. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Навоий вилоятларида обҳавонинг совуши, илк ёмғирли кунлар ҳеч қандай ташвишсиз, хавотирсиз кутиб олинибди. Электр энергияси ва иситиш тармоқларида узилиш, газ босимида пасайиш ҳоллари кузатилгани йўқ. Тошкент, Андижон, Наманган, Бухоро, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Тўғри, жойларда ҳали камчиликлар йўқ эмас. Қаердадир таъмирлаш ишлари охирига етмаган, қаердадир муаммо ечимини кутмоқда. Аммо кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, бу йил қиш мавсумига ҳар қачонгидан кўп эътибор берилмоқда, муаммолар ечимига янгича ёндошилмоқда. Ҳокимият ва тегишли идоралар вакиллари жойларда бўлиб, камчиликларни ўз кўзлари билан кўриб, илгари ойлаб, йиллаб сансолорлик билан чўзилган ишларни саноқли кунларда ҳал этиш чораларини кўришмоқда. Табиийки, бугунги тайёргарлик эртага қиш мавсуми ташвишсиз ўтишини таъминлайди.

☑ ЎзХДП: электорат манфаати

Таълим тизимидаги ислоҳотлар жараёнида ўрта мактабларнинг моддий техника базасини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Марказдан тортиб энг чекка қишлоқлардаги таълим муассасаларида ҳам кенг ҳажмда қурилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларининг амалга оширилаётгани дунё ҳамжамияти эътирофида.

Эътибор ижодкорликка чорлайди

Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш масалалари Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастуридан ҳам ўрин олган. Келажак авлод тарбиячилари — ўқитувчилар ЎзХДПнинг электоратидир. Ўз электорати манфаатлари билан боғлиқ ибратли ишларни амалга оширишда партия маҳаллий кенгашлари ва бошланғич ташкилотларининг алоҳида ўрни бор.

Наманган шаҳридаги 17-мактабда 1240 нафар ўқувчи таълим олади. Бу ерда Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Зинаида Маматказина, таниқли спорт устаси Обидхон Мамадалиев, олий тоифали ўқитувчилар — Хадичахон Мажнунова, Хошиятхон Мадумарова, Насиба Қосимхўжаева, Маҳмуда Жабборова, Мўътабар Турсунова каби 65 нафар устоз ўқувчиларга сабоқ беришади. Мактаб спортнинг каратэ ва воллейбол турлари бўйича нуфузли партия кенгаши билан яқин ҳамкорлик қилади.

Яқинда мактабда ХДП Наманган шаҳар кенгаши томонидан ўтказилган анжуман жамоадаги ўқитувчию ўқувчилар, ота-оналарга бирдай қувонч бахш этадиган тақдимот билан якунланди. Партия кенгаши томонидан жамоанинг ўқувчилар билан муваффақиятли ишлаётган тажрибали педагогларига Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалар топширилди. Айниқса фаол партиядошимиз «Муҳаммад Азиз» хусусий фирмаси раҳбари Аюбхон Отахонов ҳомийлигида мактаб ўқувчилари учун радиоқурилма ва овоз кучайтиргич жиҳозлари совға қилингани қувончли бўлди.

— Мен бугун ЎзХДП сафига қабул қилиндим, — дейди ўқитувчи Шаҳноза Мажидова. — Бунга сабаб партиянинг зиёлиларга доимий эътиборидир. Сиёсий куч сифатида ХДП бизнинг манфаатларимизни илгари суриши мураббийларни ҳам доим ижодкорликка чорлайди, яхши шогирдлар тайёрлашга иштиёқимизни янада кучайтиради.

Тадбирда жонкуяр ўқитувчилар Мавжуда Қаюмова, Шавкатжон Мирзаев, Дилбархон Иномова ва бошқа янги аъзоларга партия гувоҳномалари тантанали вазиятда топширилди. Мактабдаги партиядошлар энди 30 нафарга етди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбек аёллари жаҳон анжуманларида

Яқинда Ҳиндистоннинг Нью-Дели шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро аёллар конференциясида бир гуруҳ ўзбекистонлик хотин-қизлар ҳам иштирок этдилар

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси жамиятда аёлларнинг нуфузини янада ошириш, бозор муносабатлари шароитида уларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида кўплаб хайрли ишларни амалга оширмоқда. Ишбилармон аёлларимиз халқаро миқёсда ҳам муносиб ўрин тутади.

2004-2005 йилларда Ҳиндистоннинг Нью-Дели шаҳрида тадбиркор аёллар Халқаро конференцияси бўлиб ўтган, унда бир гуруҳ тадбиркор хотин-қизларимиз қатнашиб, ярмарка ва кўргазмаларда фаол иштирок этган, ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатган эди. Ҳиндистон тадбиркор аёллар Консорциуми билан Республика Хотин-қизлар қўмитаси ўзаро ҳамкорлик битими ҳам ўшанда имзоланган.

2005 йилнинг 10 январида эса Ҳиндистон тадбиркор аёллар Консорциуми раиси Шаши Синг мамлакатимизга ташриф буюриб, ўзаро алоқаларимиз янада мустаҳкамланишига йўл очди.

Шу йилнинг 14-22 ноябрь кунлари Нью-Делида навбатдаги тадбиркор аёллар Халқаро конференцияси бўлиб ўтди ва унинг доирасида миллий ҳунармандчилик, заргарлик, халқаро сайёҳлик, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаси ҳамда либослар кўргазмаси намойиш этилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан тадбиркорлик қилаётган, ишчи ўринлари яратаётган, касаначилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳисса қўшаётган 8 нафар тадбиркор аёллар халқаро анжуманда иштирок этди. Улар сафида Олий Мажлис депутатлари, соҳа мутахассислари ҳам бор.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева халқаро конференцияда сўзга чиқиб, хотин-қизларимиз ҳаёти, уларга ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлар, тадбиркор аёлларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида атрофлича гапириб берди.

Яқинда Ҳиндистон сафаридан қайтиб келган тадбиркор аёллар иштирокида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

— Мен Қашқадарё вилоятиданман, — деди ўз таассуротларини сўзлаб Қундузхон Хурсандова. — Тадбиркорман, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланаман. Тўғрисини айтсам, бундай нуфузли анжуманда қатнашишнинг ўзи мен учун бахт. Непаллик, бангладешлик, ҳиндистонлик тадбиркор аёллар билан танишиб, кўп нарсалар ўргандим. Муҳими, энг замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиш учун ўзимга ҳамкорлар топдим, улар билан шартномалар имзоладим.

Фарғоналик тадбиркор Матлубахон Исмоилова эса Ҳиндистон, Бангладеш, Афғонистон мамлакатларидан ташриф буюрган тадбиркор аёллар билан йилига 8 минг дона ўзбек дўппилари тайёрлаб бериш бўйича шартнома тузди...

Бир сўз билан айтганда, бундай халқаро анжуманлар тадбиркор хотин-қизларимизнинг жаҳон бозорига чиқишлари учун кўприк бўлиб хизмат қилади.

Саида ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

Наманган шаҳридаги «Домбоғ» шаҳар врачлик пункти 2000 йилда ташкил этилган бўлиб, 2 та маҳалла фуқаролар йиғинини ўз ичига олади. Бугунги кунда 3200 дан ортиқ оилага малакали бирламчи тиббий хизмат кўрсатиб, профилактика ишларини олиб бормоқда. ШВПда «саломатлик» лойиҳаси асосида иш ташкил этилган. Жумладан, Оила врачи ва Оила ҳамшираси усулида иш олиб борилмоқда.

Икки нафар шифокор умумий амалиёт врачи мутахассислиги бўйича 10 ойлик ўқув курсини тамомлаб, мазкур курс давомида улардан бири Эстонияда, иккинчиси эса Исроил давлатида малака ошириб қайтди.

2006-2007 йиллар давомида ШВП 10 млн. сўмликдан ортиқ тиббий жиҳоз билан таъминланди.

Суратда: *шаҳар врачлик пункти мудири, олий тоифали врач Шокиржон Ҳайдаров беморни тиббий кўрикдан ўтказмоқда.*

☑ Ватан суратига чизгилар

Сирдарёнинг оҳанрабоси

ёхуд чўл бағридаги бунёдкорлик сир-синоати хусусида

Ростини айтсам, баландпарвоз гапларни унчалик ҳушламайман. Лекин ўзим туғилиб ўсган макон — Сирдарё ҳақида гап кетса борми, дунёдаги энг гўзал сўзларни излайман. Ҳар қанча интилмай барибир унинг таърифини келтиролмаслигимни сезиб тураман.

Бу ўлкада кимлар яшамаган, бу заминга кимлар қадам қўймаган дейсиз! Не-не саркардалар от суриб ўтган бу ердан, Самарқанду Бухоро, Чин-Мочину Машҳад, Шому Марвдан шимолга, Оқмачиту Аштархондан, Қозону Масковдан жанубга қатнаган савдо карвонларининг излари қолган бу ерда. Соҳибқирон Амир Темур, улуғ шоир ва шоҳ Бобур Мирзо неча бор бу бепоён кенгликлардан ўтиб қайтган, роботларидан сув ичган.

Бу ўлкага кимлар кўз тикмаган дейсиз! Бир ярим асрча муқаддам айрим Ғарб мамлакатлари корчалонлари Мирзачўл бағрида беҳаҳо хазиналар яшириниб ётгани, бу саҳройи азим ўзлаштирилса, бутун дунёни кийинтиришга қодир эканлигини башорат қилган эди. Турли даврларда Мирзачўлга турлича таърифлар берилган. Океанорти арбобларидан бири чўлдаги ишларни кўргач, ҳайратга тушиб: «Шу пайтгача ер юзида олти қитъа бор деб ҳисоблардим. Бу ерда инсон қўли билан яратилган еттинчи қитъа борлигига ишонч ҳосил қилдим!», — деган экан. Яна бир ғарблик меҳмон бу заминга «Дунёнинг саккизинчи мўъжизаси» деб баҳо берган бўлса, бошқа бир аллома бу сирли дашту далаларни «Очилдастурхон» дея таърифлаган эди. Лекин минг афсуски, илдизлари узоқ ўтмишга тақалган бу ҳудуд узоқ йиллар давомида фақат пахта хомашёси етказиладиган базага айлантирилган эди. Бой тарихи инкор этиб келинди, хирмон-хирмон «Оқ олтин» етиштирган меҳнаткаш халқ турмуш шароити ҳеч кимни қизиқтирмади. Ёзнинг жазирамаси, қишнинг қаҳри қаттиқлиги эътиборга олинмай, янги очилган хўжаликларда плита-бетондан уйлар қуриб ташланган, ичимлик суви, газ, йўл, телефон масаласи одамлар фақат орзу қиладиган нарсалар эди.

...Ниҳоят, буюк истиқлол насимлари юртимиз узра эса бошлагач, сирли-синоатли Сирдарёда ҳам катта бунёдкорлик ишлари бошланиб кетди. Ҳали-ҳали эсимда. Муҳтарам Президентимиз вилоят аҳли билан бўлган учрашувлардан бирида қуйидагича фикр билдирган эдилар: «Нима эмиш, Сирдарёнинг тарихи 1963 йилдан бошланар эмиш. Гўёки, бу ерда вилоят ташкил топгунига қадар ҳаёт бўлмагандек. Ҳой барака топкур, бунақа бемаъни гапни қаердан олдинг, дейдиган одам йўқ. Сирдарё тарихи халқимиз тарихининг узвий бир қисми сифатида жуда узоқ ва қадимийдир».

Бу қадим юртнинг ҳақиқий мўъжизаси — уни азиз масканим, ўз уйим, ўлан тўшагим деб билган одамлардир. Мирзачўлнинг чекка бир қишлоғида яшаган ўзбек миллий адабиётининг чинакам фидойиси, Ўзбекистон халқ шоири раҳматли Тўра Сулаймон ҳам умри бўйи шу муқаддас заминни, унинг бой тарихи ва заҳматкаш одамларини куйлаб ўтди.

Сирдарёнинг сеҳри, одамлари ҳақида ўйласам яна бир воқеа эсимга тушаверади. Бутун онгли умрини Сирдарёда ўтказиб, шу ерда камол топган, барча унвону даражаларни олишга муваффақ бўлган умрининг сўнгги йилларини тарихий Ватани — Қабардин-Болқорияда ўтказишга аҳд қилган Шамсиддин Тетуев юм-юм йиғлаб қишлоқдошлари билан хайрлашади. Кўчиб кетаётганида пахтаси қийғос очилган бир туп гўзани ўзи билан олиб кетади. Борганларнинг айтишларича, шу гўзани энг азиз ёдгорликдай уйининг тўрига осиб қўйган Шамсиддин ака оғир бетоб бўлиб ётган чоғларида ана шу гўзага соатлаб қараб ётаркан. Умрининг сўнгги дақиқаларида у киши юзини деворга осиғлиқ гўза тарафга буриб қўйишни илтимос қилган ва шу бир туп мўъжизага қараб жон берган экан... Шамсиддин ака ва ўз тақдирини умрбод Мирзачўл билан боғлаган Акоп Саркисов, Турсунбой Латипов, Эгамберди Ботиров, Собиржон Сиддиқов, Ғанишер Юнусов, Қинабек Укубоев, Асад Убайдуллахўжаев, Иван Бездетний, Қодирқул Султонов, Ҳайдар Жумабоев сингари ўнлаб, юзлаб фидойи инсонлар ярим миллион гектардан ошиқ тақир ерда ажойиб мактаб яратиб кетдилар, десам янглишмайман.

Баъзан ўйлаб ўйимга етолмайман. Биров Фарғона деб аталмиш «Бахтлар водийси»ни, бошқаси Зоминнинг соф ҳавосини, яна кимдир Форишнинг зилол сувларини ташлаб нечук шу заминни абадий қўналға қилган экан? Бунинг сир-саноати нимада?.. Иқтидорли журналист ва заҳматкаш рассом Эркин Ахороев бундан қирқ беш йил олдинги бир воқеани шундай хотирлайди:

— Биз янги очилган Сирдарё вилоятида «Сирдарё ҳақиқати» газетасини ва вилоят радиосини ташкил қилиш учун марказдан йўлланма билан чўлга отландик. Катталар енгил машинада, асосий гуруҳимиз автобусда йўлга тушдик. Деярли ҳаммамиз Тошкенти азимдан бийдай даштга «бадарға» қилинганимизга хафа, бир-биримизни «Парво қилманглар, бешолти ой ишни ташкил қилиб, ўрнимизга одам топамиз-да, яна пойтахтга қайтамиз» деб овутардик.

☑ Иқтисодиёт ва ислоҳот

Миллий банкнинг холис хизмати

боис хоразмлик мижозлар барча қулайликларга эга бўлишмоқда

Иқтисодиётнинг реал секторига молиявий ёрдам бериш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатига жалб қилиш, филиаллар тармоғини янада кенгайтириш орқали белгиланган бизнес режа кўрсаткичларининг тўлиқ бажарилишига эришаётган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жамоаси аллақачон ўз мижозларининг эътирофига сазовор бўлган.

Миллий банкнинг корпоратив мижозлари бўлган йирик корхона ва ташкилотлар сезилари ютуқларга эришаётир. Айниқса, банкнинг Урганч бўлими жамоаси қўлга киритаётган муваффақиятларни алоҳида таъкидлаш мумкин. Вилоятнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилаётган корхоналарни иқтисодий қўллаб-қувватлаш, бу ерда импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш йўлида қатор изланишлар олиб борилаётир. Банк мижозлари деб ҳисобланаётган ўн иккита корхона экспортга маҳсулот чиқармоқда.

— Икки ярим йил аввал Миллий банкнинг Урганч бўлимидан пахта толасини қайта ишлаб, ип-калава тайёрлашга мослашган дастгоҳ ва технологик линияларни хориждан сотиб олиш учун 4,8 миллион АҚШ доллари, яъни миллий валютада беш юз ўттиз икки миллион сўм миқдорида кредит олгандик, — дейди «Хоразм —Нуртоп» қўшма корхонаси раҳбари Пўлат Сафаров. — Ушбу маблағ ёрдамида корхонамизда жиддий ислоҳотлар бошланди. Негаки, замонавий технологик линияларни ўрнатганимиз боис маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди, сифати ошди. Оқибатда даромад кўпайиб, олинган кредит маблағи тўлиқ сўндирилди. Илгари бизда 90 киши меҳнат қиларди. Ҳозир эса бу қўшимча яна 45 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

«Гиштгаъминот» масъулияти чекланган жамияти эса пишиқ ғишт ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш мақсадида Хитой фирмаларидан бири билан шартнома тузиб, технологик линия сотиб олишга қарор қилди. Банк томонидан бу лойиҳа тўла қўллаб-қувватланиб, 120 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиб берилди. Бундан ташқари, ушбу лойиҳани амалга ошириш, керакли машина ва ускуналар, зарур бино ва иншоотлар кўринишидаги асосий воситалар, хомашё ва материаллар олиш учун уч йил муддатга 30 миллион сўм маблағ ажратилди. Эндиликда корхона вилоят қурилишларига кўплаб ғишт етказиб бериш билан бир қаторда хорижга ҳам ўз маҳсулотларини сотмоқда. Кредитни ҳам ўз вақтида қайтаряпти.

Мижозлардан яна бири — «Хоразм Буян» масъулияти чекланган жамияти бугунги кунда АҚШ ва Германияга буян илдизини экспорт қилмоқда. Экспортга маҳсулот жўнатиш юзасидан Туркия, Италия, Россия, Бельгия, Швейцария, Украина давлатлари билан ҳам қатор шартномалар тузилган.

Хоразмлик пахтакорларнинг давлатга пахта сотиш бўйича шартнома шартларини бу йил ҳам ўз вақтида уддалашларида «Ўз Миллийбанк» Урганч бўлими жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Негаки, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштираётган хўжалик юритувчи субъектлар молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турилди. Шу йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги корхоналарига қарийб 6 млрд. сўм кредит ажратилди. Шу билан бирга банк жамоаси қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш, мижозлар фаолиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Шериклар билан аниқ ҳисоб-китоб ишлари олиб бориш, бизнес-режа ва бошқа ҳужжатларни юритиш борасида уларга зарур маслаҳатлар берилмоқда, сифатли хизматлар кўрсатилаётир.

Масалан, Гурлан туманидаги «Ихлосбек» фермер хўжалигига «МТЗ-80» трактори сотиб олиш учун 19 млн. 360 минг сўм, «Муҳандис» фермер хўжалигига «МТЗ-80» трактори сотиб олиш учун 19 млн. 360 минг сўм берилди. «Йўлдош бобо» фермер хўжалиги «МТЗ-80» тракторини лизинг асосида олди.

Чорвадор фермерлар ҳам маблағ сўраб, банкка мурожаат қилмоқдалар. Жорий йилнинг ўзида Янгибозор туманида фаолият олиб бораётган Йўлдош Абдуллаев раҳбарлигидаги «Амударё» ҳамда ҳазорасплик Шокир Саъдуллаев бошчилик қилаётган «Ҳофиз» фермер хўжаликлари 9 млн. 250 минг сўмлик имтиёзли кредит олиб, кўплаб зотли қорамоллар сотиб олдилар.

Банк бўлимида «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасида ҳам қатор хайрли ишлар қилинди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш бўйича қилинган ишлар диққатга сазовор. Кўплаб ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилганлиги боис одамларнинг банк хизматига ишончи ҳам ортмоқда. Ҳозиргача ажратилган 482,7 млн. сўм маблағ худди ана шундай мақсадларга хизмат қилди.

Урганчлик Камолиддин Йўлдошев анчадан бери уч хонали квартира сотиб олишни орзу қилиб юрарди. Банк ёрдамида у ниятига етди. Яъни унга ўн йил муддатга 18 млн. 750 минг сўм имтиёзли кредит асосида берилди. Назокат Асқаровага уч хонали уй олиш учун 13 йил муддатга 17 млн. 600 минг сўм, Музаффар Қурбоновга эса ҳовли сотиб олиш учун 15 йил муддатга 19,5 млн. сўм ипотека кредитлари ажратилди. Моҳира Содиқовага уч йил муддатга — 5 млн. сўм, Қаҳрамон Бобожоновга икки йилга 1 млн. 650 минг сўм, Жавлон Рўзимовга уч йилга 6 млн. сўм, Шуҳрат Сапарбоевга уч йилга 3 млн. сўм истеъмол кредити берилиб, маҳаллий саноатимизда ишлаб чиқарилган кенг истеъмол буюмларини сотиб олишлари учун имконият яратилди.

Шунингдек, банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам эътибор кучайтирилди. Жумладан, Урганч шаҳар Самарқанд кўчасида истиқомат қилувчи якка тадбиркор Азамат Абдуллаевга полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида гранула сотиб олиш учун бир йил муддатга 24 млн. сўм кредит берилган эди. Қисқа вақт ичида ишбилармон бу маблағдан тўғри ва унумли фойдалангани боис фаолият доираси кенгайди. Асосий қарз ва унинг фоизини вақтида тўлаб, устига-устак учта ишчи ўрни ҳам ташкил этди.

Пул муомаласини ташкил қилиш ва миллий валютамиз — сўмнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида мижозларнинг иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда почта алоқа тармоқлари орқали етказиладиган пенсия, нафақа пуллари ўз вақтида берилмоқда. Нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини янада қисқартириш, мижозларнинг биринчи талаби бўйича нақд пул билан узлуксиз таъминлаш борасида ҳам ижобий натижаларга эришилаётир.

Миллий банкнинг Урганч бўлимида 2007 йил 1 сентябрь ҳолатига, касса кирим қисми жами 45 млрд. 447,6 млн. сўм кўрсаткичга эга бўлди. Нақд пул тушуми ўтган йилга нисбатан 1,4 баробарга кўпайишига эришилди. Кундалик нақд пул маблағлари келиб тушиши устидан доимий мониторинг амалга оширилиб, нақд пул ҳисоб-китоблари ҳолати таҳлил қилиниб, улар ўз вақтида бериб борилмоқда. Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг депозит ҳисоб рақамларидаги нақд пул маблағлари (яъни бирламчи иш ҳақи, пенсия ва нафақалар) ўз вақтида берилиши устидан кундалик назорат ўрнатилган.

Аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга қабул қилиш, уларнинг янги турларини жорий этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, жисмоний шахслар учун қисқа ва узоқ муддатли «Талаб қилиб олгунча», «NBU Классик», «Тўкинлик», «Матлаб» ҳамда «Келажак» омонат турлари жорий қилинди. Шу йилнинг 1 октябрь ҳолатига келиб омонат ҳисоб варақлар сони жами 36412 тани, ундаги қолдиқ 3 млрд. 483 млн. 357,5 минг сўмни ташкил қилди.

Очилган 29408 дона сўм пластик карточкалар бўйича қолдиқ эса 507 млн. 105,6 минг сўмни ташкил этди.

Миллий банк Урганч бўлимида чакана банк хизматлари турларини ошириш мақсадида коммунал тўловлари, яъни электр энергия, табиий газ, иссиқ ва совуқ сувдан фойдаланганлик учун ва бошқа тўловларни қабул қилиш мақсадида махсус электрон дастур ўрнатилган. Барча коммунал хизматлари кўрсатувчи корхоналар билан шартнома тузилган бўлиб, аҳолидан нақд пул ва сўм пластик карточкалари орқали тўловлар қабул қилинмоқда.

Шуни айтиш керакки, банкнинг Урганч бўлими ва филиалларида 290 нафар малакали ходим ишлаб келмоқда. Улардан 128 нафари олий маълумотли ва 109 нафари ўрта махсус маълумотлидир. Хуллас, энг аввало халқимизни, қолаверса, барча ишбилармону тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган мазкур банк жамоасининг холис нияти «Ижтимоий ҳимоя йили»ни муваффақиятли якунлаб, янги йилни ҳам муносиб кутиб олмоқдир.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки...

«The New York Times» газетасида чоп этилган манбада қайд этилишича, Ироқнинг Сурия билан чегарадош чўлларида америкалик ҳарбийлар томонидан шу йил сентябрда амалга оширилган ҳарбий операцияда террорчи-жангариларга тегишли муҳим компьютер маълумотлари қўлга киритилган. Беш террабайтга тенг ушбу компьютер маълумотлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, кейинги йилларда Ироққа кирган хорижий жангарилар — террорчиларнинг 60 фоиздан ортиқроғи АҚШнинг терроризмга қарши курашдаги иттифоқчилари бўлмиш Саудия Арабистони ва Ливиядан келган экан. Экспертларнинг айтишларича, қўлга киритилган манбада 750 нафар жангарининг тўлиқ маълумотлари келтирилган бўлиб, уларнинг 90 фоизи чет элликлардир.

Ҳарбий операция давомида йўқ қилинган террорчи-жангариларнинг ушбу «ячейка»си «Месопотамиядаги Ал-Қоида» гуруҳи билан боғлиқ бўлиб, 320 километр масофадаги Ироқ — Сурия чегарасини ўз назоратида ушлаган. Шуни таъкидлаш лозимки, «ячейка» бутунлай йўқ қилингач, чет эллик жангари-террорчиларнинг Ироққа оқими сезиларли даражада камайди. Масалан, жорий йилнинг биринчи ярмида ойига 80 дан 110 нафаргача террорчи Ироққа келган бўлса, октябрда бу кўрсаткич 40 тага тушиб қолди.

Қўлга киритилган ҳужжатлардан аниқланишича, хорижий жангариларнинг 41 фоизи саудия арабистонилик, 18 фоизи ливиялик экан.

Аввал америкаликлар Ироққа чет эллик жангари-террорчиларнинг асосий қисми Сурия ва Ливандан оқиб келмоқда, деб ҳисобларди. Бироқ энди маълум бўлишича, Суриядан келган террорчилар 8 фоизни ташкил этаркан. Ливандан эса умуман келмаган.

Маълумот учун яна шуни таъкидлаш керакки, Ироқдаги қўлга олинган жангарилар сақланадиган марказда (у америкаликлар назоратида) айни дамда 25 минг киши бўлиб, уларнинг 1,2 фоизигина чет элликлардир.

Америкалик ҳарбийларнинг ҳисоблашларича, Ироққа нолегал кирувчиларга қарши ўтказилган махсус операциядан сўнг камикадзелар томонидан амалга оширилаётган террорлар сони бирдан камайган, яъни март ойида бу кўрсаткич 59 тани ташкил этган бўлса, октябрда 16 та террор содир этилган.



Фонограмма тақиқланди

Москва шаҳри маъмурияти тингловчилар ҳуқуқларини янада кенгроқ ҳимоя қилишга киришди. Жумладан, Москва шаҳри мэри Юрий Лужков пойтахт концерт залларида фонограммадан фойдаланишни тақиқловчи қарор қабул қилди. Бу нафақат тингловчилар манфаатларини ҳимоя қилади, балки жонли ижро сифатини оширади, концертлар қизиқарли ўтишини таъминлайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, — дейилади «РБК» ахборотида, — бу фонограммага қарши қўлланган биринчи маъмурий чора эмас. Шу йил январда Москва шаҳар думаси агар хонандалар фонограммадан фойдаланса, концерт афишалари ва чипталарига «фонограммадан фойдаланилади» деган ёзувни албатта киритиш мажбуриятини юкловчи қонун лойиҳасини маъқуллаган эди.

Чироқлар тўлиқ алмаштирилади

Тайвань Иқтисодиёт вазирлиги 2012 йилга бориб, оролда анъанавий чироқлардан фойдаланишга чек қўйилишини маълум қилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Уларнинг ўрнига энергияни тежайдиган диодли ёруғлик манбалари ўрнатилади.

Тайванда ёритиш учун йилига 26 миллиард киловатт/соат энергия сарфланади. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, «янги авлод чироқлари»дан фойдаланиш ушбу кўрсаткични қирқ фоизга камайтиради.

Кетаётганлар кўпми, келаётганларми?

Буюк Британия Миллий статистика бюросининг маълумотларига қараганда, ўтган йили мамлакат аҳолисининг 207 минг нафари яхши иш ва кўпроқ пул топиш илинжида доимий яшаш учун ўзга юртларга кўчиб кетган. Бу кўрсаткич рекорд даража дея тан олинди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кўчишни ихтиёр этган британияликларнинг асосий қисми Австралияга «ишқи» тушган, яъни ўтган йили 52 минг киши «яшил минтақа»дан макон топган. Испанияга эса 29 минг, Францияга 27 минг, АҚШга 17 минг, Янги Зеландияга 12 минг киши кўчиб борган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аҳолининг кўчиши бир томонлама эмас, балки икки томонламадир. Яъни ўзга мамлакатлардан Буюк Британияга кўчиб келувчилар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Улар ҳам бу ерда кўп пул топиш мумкин, деб ўйлашади. Бундай фикрда бўлганлар Польшада кўпроқ экан. Ўтган йили 62 минг нафар поляк Буюк Британияга ишлаш учун кўчиб ўтган. Бу борада ҳиндлар иккинчи ўринни эгаллади — 58 минг киши. Покистонликларнинг эса 32 минги, австралияликларнинг 27 минги, хитойликларнинг 26 минги Буюк Британиядан бошпана топган.

Маълумки, Буюк Британия Ирландия ва Швеция сингари 2004 йилдан эътиборан Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар фуқаролари учун эркин келиб-кетиш ҳуқуқидан фойдаланиш имконини берган.

2006 йили дунё мамлакатларидан 157 минг талаба айнан Буюк Британияда ўқишни ихтиёр этган.

Қисқаси, 2006 йил мобайнида 400 минг киши (шундан 207 минг нафари британиялик, 193 минги Британияда яшаётган чет элликлар) яшаш учун четга кетган бўлса, 591 минг хорижлик бу ерга кўчиб келган. Шунинг учун ҳам мамлакат аҳолиси ўтган йили 191 минг кишига кўпайган. Кўриниб турганидек, бу фақат муҳожирлар ҳисобига.

Кенг миқёсли рейдлар бошланди

Тожикистон пойтахтидаги мактаб ва олий ўқув юртларида кенг миқёсли рейдлар бошланди. Мақсад: мамлакат президенти Имомали Раҳмоннинг шу йил баҳорда эълон қилган фармойиши жойларда қандай бажарилаётганини назорат қилиш. Ушбу рейдга республика бош вазирининг ўринбосари Хайринисо Юсуфий раҳбарлик қилмоқда.

— Маълумки, — дейилади «Азия-Плюс» АА хабарида, — шу йил баҳорда республика президенти миллий анъаналарни қайта тиклаш, исрофгарчиликка қарши кураш билан боғлиқ бир қатор тадбирларни амалга ошириш ҳақида фармойиш эълон қилган эди. Бу тадбирлар доирасида мактаб ўқувчиларининг ўқув муассасаларига мобиль телефонлари билан келиши ёки талабаларнинг шахсий автомобилларда дарсга қатнаши қатъий тақиқланган эди. Шунингдек, мактабларда битирув оқшоми ва «сўнгги қўнғироқ» тадбирларини чеклаш ҳақида ҳам алоҳида пунктлар киритилган. Ҳатто коррупцияга қарши кураш агентлиги зиммасига шахсий автомобилида дарсга келувчи ўқувчи ва талабаларнинг даромадларини текшириш мажбурияти ҳам юкланган эди.

Яқинда бўлиб ўтган ҳукумат мажлисида ушбу фармойиш ижроси қандай бажарилаётгани танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилди.

Дарвоқе, Имомали Раҳмон фармойишидан сўнг республика парламенти дафн маросими ва тўйларни ихчам, исрофгарчиликсиз ўтказишни назарда тутувчи қонун қабул қилди. Унда маросимларда иштирок этувчи меҳмонлар сони, тўйдаги автомобиллар кортежи ва таомлар тури чекланган. Бир йил аввал эса ўқитувчиларнинг тилла тиш қўйдиришлари ҳам тақиқланган эди.

Ниқобда юриш мумкин эмас

Эстония Ички ишлар вазирлиги жамоатчилик митинглари тўғрисидаги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳасини тайёрлаб қўйди. Унда оммавий митинг иштирокчиларининг ҳуқуқлари чекланган бўлиб, ҳатто қатнашчиларнинг юзларига ниқоб кийиб юришлари ҳам тақиқланади. Полиция ваколатлари эса анча кенгайтирилди. Жумладан, уларга маълум жойларда 12 соатгача одамлар тўпланишини тақиқлаш ҳуқуқи берилган.

Бу ҳақда «Postimes» АА хабар тарқатди.

Автобус Ғулистон шоҳбекатига келиб тўхтаганда ташналиқдан ҳалқумимиз куриб, тилимиз танглайга ёпишиб қолган эди. Бир четда жўмраги йўқолган крандан шариллаб сув оқиб ётганига кўзимиз тушди-ю шу заҳоти икки-уч киши ўша томон югурдик, шўртаъм сувдан қониб ичдик.

— Бекор ичдинглар-да, — деб кулдилар раҳматлик акам, таниқли журналист Ғани Жаҳонгиров.

— Нега, бир нарсаси борми? — деб сўрадим қўрққанимдан шоша-пиша.

— Ҳеч нарсаси йўғу, лекин чўлнинг сувидан бир ҳовуч ичган одам қайтиб ўз юртига кетолмайди...

Ўша пайтда бу гап ҳазил тариқасида айтилган бўлсада, бироқ менинг тушкун ҳолимга кўзи тушган ҳамкасбларим «ғур-р» этиб кулиб юборган эдилар. Барибир акам тўғри башорат қилган эканлар. Ўша «бир ҳовуч сув ичган»лардан бири мен, иккинчиси Кабир Шукуров, учинчиси Саъдулла Боқиев бўлса, учовимизнинг ҳам деярли бутун умримиз, меҳнат фаолиятимиз чўлда ўтди. Мен шу ерда уйландим, биринчи фарзандимнинг ҳам, биринчи неварамнинг ҳам киндик қонлари шу ерда тўкилди. Шу-шу Тошкентга йўлим тушиб қолса, қавму қариндошларим болачақаларига мени — ўз жигарларини таништирмоқчи бўлишса: «Бу киши — сирдарёлик амакиларинг бўлади» дейишади...

Яқин вақтларгача: «Мен Сирдарёдан бўламан» десангиз, «Асли қаердансан?» — деган аниқловчи саволни беришарди. Энди эса бу таомил деярли ўзгарди. Негаки, бугунги кунга келиб, халқимизнинг узвий қисми ҳисобланмиш Сирдарёнинг ўз бунёдкор одамлари деган авлод узил-кесил шаклланиб бўлди. Бундан ташқари, умумқадриятларга ҳамоҳанг ўлароқ қўриқ ўлкамиз

аҳлининг ўз қадриятлари, анъаналари пайдо бўлди.

Бугунги сирдарёликлар ориятли, бир сўзли, фидойи авлод фарзандларидир. Бир неча йиллар давомида вилоят деҳқончилигида оқсаш содир бўлганида Юртбошимиз ҳамиша ваъдасига вафодор, сўзида устивор сирдарёликларга нима бўлди, дея ташвиш билдирган, бунга жавобан вилоят аҳли Сирдарё шуҳратини икки-уч йил ичида тиклашга сўз берган эди. Ўтган фурсат уларнинг гапи қуруқ ваъда эмаслигини исботлади. Кетма-кет уч йилдан бери вилоят деҳқонлари пахта, ғалла, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш йиллик режаларини ошиғи билан бажариб, эл-юрт олдида юзлари ёруғ бўлиб келмоқда. Тадбиркорларнинг, фермерларнинг косаси оқара бошлади. Бир пайтлар уч юз кишига дастурхон ёзиб, тўй берган бир вазир ҳақида собиқ Иттифоқ газеталари шов-шув кўтарган, вазир ишдан олинган эди. Яқинда Мирза Бобожонов деган фермер дўстим қиз чиқариб, ошга таклиф этди. Бордик. Дастурхонда жаннатмакон юртимизда етиштирилган неъматлар у ёқда турсин, банан, ананасдан тортиб, кокос ёнғоғигача бор эди. Нақ ошига мингдан ошиқ одам келди. Мен бу билан топганингизни фақат тўйга сарфланг, дейишдан, ортиқча исрофгарчиликни тарғиб қилишдан йироқман. Бироқ, тўкин дастурхон, тўйга келган меҳмонларнинг ранго-ранг кийинишидан ўзини тутишигача бўлган ҳолат замонамиз, одамларимиз қанчалик ўзгарганини, ҳаёт-турмушимиз нақадар фаровонлашганини манаман дея кўрсатиб турганлигидан шодланиб, ғурурланиб кетасан, киши...

Ўзгаришлар нафақат одамлар онгу шуурида, балки Сирдарёнинг бугунги қиёфасида ҳам яққол кўзга ташланиб турибди. Сўнгги йилларда вилоят марказида,

барча туман, шаҳарларда тез тиббий ёрдам маркази филиаллари ва бўлимлари очилди, 149 та қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, улар 4,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги замонавий тиббий ускуналар, транспорт воситалари билан жиҳозланди. Ғулистон шаҳрида Реабилитация маркази, Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза этиш маркази, Ғўдаклар уйи барпо этилди. Мавжуд 304 та умумтаълим мактаби, 192 та мактабгача таълим-тарбия муассасаларининг барчаси ё янги қурилди, ёки қайтадан реконструкция қилинди. Вилоятнинг шаҳар ва туманларида 13 та ихтисослашган иқтидорли болалар мактаблари ва мактаб-интернатлари ташкил этилди. Ёшларнинг касб-ҳунар эгаллаши, олий ва ўрта махсус маълумот олиши учун мустақиллик йилларида 1 та университет, 39 та касб-ҳунар коллежи, 3 та академик лицей ташкил этилди. Биргина 2006 йилнинг ўзида битта академик лицей ва 6 та замонавий коллеж мажмуалари фойдаланишга топширилди. Бу йилгилари эса...

Хуллас, бир-биридан кўркам, бир-бирини такрорламайдиган спорт мажмуалари, бокс саройи, «Ғулистон» ўйингоҳи, бежирим ва бетакрор бозорлар, дўкону тўйхоналар, чойхоналар... Эҳ-ҳе, буларнинг барини санаб, саноғига етолмайсиз.

Бу заминнинг қалбимиздан, юрагимиздан чуқур ўрин олгани боиси, биз бу ердан кета олмаслигимиз сири шундаки, ота-боболаримиз уни ўз пешона терлари билан кимсасиз сахродан яшнаган воҳага айлантирдилар. Мирзачўлнинг ҳар бир йўли, биноси, ариғию канали, боғроғлари, ҳамма-ҳаммасини ўзимиз қурдик, обод этдик. Шунинг учун ҳам ҳеч ким ўз қўли билан яратган гўшани ташлаб кетгиси келмайди. Барча ҳамюртларим қатори айнан Сирдарёда туғилиб ўсганим учун мен ҳам бу билан чексиз фахрланаман.

Ҳа, биз — Сирдарё фарзандимиз ва киндик қонимиз тўкилган шундай жаннатмакон маъвода яшаётганимиз билан ғурурланамиз. Бу ўлка бизга беқиёс ноз-неъматларию боғ-роғлари билангина эмас, жазирама иссиғи, изғирин шамоллари, қувончу ташвишлари билан ҳам қадрлидир. Нима учунлигини изоҳлаб беролмайман. Буни англамоқ учун лоақал беш-олти йил чўлда яшаб кўриш керак...

Мунаввар ПАРДАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Сирдарё вилояти — ўзига хос табиати, баркиенг, меҳнаткаш, жасоратли одамлари, шонли анъаналари билан маълум ва машҳур. Бир пайтлар одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган чўлни бўстон қилган матонатли инсонларнинг авлоди яшайди бу ерда.

Яқинда журналист Мунаввар ПАРДАЕВ «Ўзбекистон овози» газетасининг ушбу вилоятдаги мухбири сифатида иш бошлади. Бугун унинг биринчи мақоласини эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз.

Тақдимот

Сабр ва савоб йўллари

туташса меҳр уйғонади, мурувват дарахти кўкаради

Бу рамзий ўхшатишни яқинда пойтахтимиздаги Республика Байналмилал маданият марказида бўлиб ўтган бир машваратда эшитдик. «Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар миллий уюшмаси» илк тақдимот маросимига мамлакатимизнинг турли вилоятларида фаолият юритаётган ўз бўлимлари вакилларини, шу жумладан, жамоат ва хайрия ҳамда нодавлат ташкилотлари вакилларини, ишбилармон ҳомийларни таклиф этди. Шу ўринда биз бу ажойиб тадбирнинг бошқалардан фарқли бир жиҳатини айтмасак бўлмас: яъни кўп йиғинларда расмиятчилик учунми, узундан узоқ маърузалар ўқилиб, эндигина иш бошлаган ташкилот мақталади. Бу ерда эса... акси бўлди.

Дастлаб шу йилнинг баҳорида очилган ушбу уюшма аъзолари бўлмиш ногирон ишбилармон хотин-қизларнинг ўз қўллари билан тайёрлаган ижод намуналари кўргазмаси ўтказилди. Таклиф этилган барча меҳмонлар бу ажойиб санъат асарларини кўриб, ҳайрат ва ҳаяжонларини яширолмадилар. Шу ернинг ўзида кенг давра бўлиб янги уюшма фаолияти ва режалари хусусида самимий ниятлар билдирилди.

Фарида АБДУРАҲИМОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари:

— Айнан «Иҳтимоий ҳимоя йили»да катта ният ва режалар билан иш бошлаган бу уюшма жуда қисқа муддат орасида ўзининг амалий фаолияти билан бутун юртимизга танилиб қолди. Мана, ҳозиргина ўз кўзимиз билан берилиб томоша қилган кўргазмадаги мўъжизаларни қаранг. Агар шундай ишларни бирон хорижий элда намойиш этсак борми, энг нуфузли мукофотларни олишига ҳеч шубҳам йўқ. Бу сирли санъат асарларини кўриб...қани қайси биримиз бу инсонларнинг имконияти «чекланган» дея оламиз, йўқ, аксинча, чекланмаганини исботлашяптилар-ку! Буларнинг ҳаммаси давлатимиз томонидан уларга яратиб берилаётган имконият ва имтиёзларнинг меваси.

Майрам ШАРОПОВА, уюшманинг Қашқадарё вилоят бўлими раҳбари:

— Икки йил бўлувди, шундай ташкилот тузилаяпти, деб эшитганимга. Шундан сўнг биз аёллар учун «матонат маликаси» тимсолига айланиб қолган Зуҳра опа билан кўришиб, қанча маслаҳат ва йўл-йўриқлар олдик. Мана, ўтган уч-тўрт ой орасида бизнинг вилоятимизда ҳам қанчадан-қанча ногирон бўлгани билан ҳатто соғлом одамлар қўлидан келмаётган ишларни уддалаётган аёллар борлигига

гувоҳ бўлдим. Бугунги тақдимотга чин маънода миллий меросимиз рамзи бўлмиш каштачилик, гиламдўзлик ва унутилган услубларда ўз қўллари билан тиккан буюмларини олиб келган китоблик Нигора опа Собирова ва чироқчилик Насибахон Шодиёроваларнинг ишларини кўриб, ҳамма тан берди...

Дарвоқе, шу куни мазкур уюшма ташаббускори ва раиси Зуҳра Раҳматуллаеванинг қучоқлари гулларга тўлиб кетди. Эндигина иш бошлаган бўлса-да, деярли кўпчилик вилоят ва шаҳарларда ўз бўлимларини очишга улгуриш билан бир қаторда фаолият доирасини ҳам кенгайтираётган янги нодавлат ташкилоти шаънига айтилган тилак ва ниятлар бир тараф бўлдию, энг қувончлиси, истиқлолимизнинг 16 йиллиги арафасида Юртбошимиз Фармони билан ўзининг чексиз сабр-иродаси, матонатли меҳнати билан бошқаларга ибрат бўлиб келаётган инсон, ХДП аъзоси Зуҳра Раҳматуллаевага «Фидокорона хизматлари учун» орденининг берилгани муносабати билан айтилган табригу қутловлар бир тараф бўлди.

Бошловчи тақдимот маросими аввалида Зуҳра опага юзланиб «Ўзингиз бошлаб берсангиз бўлармиди?» деганида у киши хижолат ила «Мен нима дейман, йўқ, яхшиси, бизларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаган инсонлар, ҳомийлар даврада қатнашяпти, шулар гапиришсин» — деганида ҳайрон бўлгандик. Кўпчилик ўз кўнглидаги гапларини айтиб бўлгач... уюшма раиси охири ўзи навбат сўради ва ҳар доимгидек, ўктам овозда «Мен энг аввало сизларга таъзим қиламан, азиз юртдошлар! Бир ўзим қайга борардим шунча одамлар қўллаб-қувватламаса? Минг раҳмат ҳукуматимизга! Дастлаб пойтахтимизнинг Яккасарой туманида кичкинагина марказ сифатида иш бошлаган эдик. Бугунги кунда эса бутун мамлакатда бизнинг хайрихоҳларимиз ҳам, ўз навбатида кўнгилли ҳомийларимиз ҳам кўпайиб қолди. Бугуннинг ўзида қанча тадбиркор ва ишбилармонлар уюшмамизнинг заҳматкаш аъзолари ижодлари асосида ташкил этилган кўргазмамизни кўриб, маблағлар ажратиб, шартномалар имзолашга келишиб олдилар. Бизларнинг руҳимиз жуда баланд, энг муҳими, хайрихоҳ бўлишса, қувватлашса, чарчамаймиз...

Хуллас, республикамизда яна бир нодавлат ташкилоти — Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар миллий уюшмаси ўзининг хайрли ишларини бошлаб юборди. Демак, меҳр-мурувват, инсонийлик, бағрикенглик бобида дунёга танилган халқимиз бундай хайрли ишларни ҳар доим қўллаб-қувватлайверади.

Норқобил ЖАЛИЛ

Суратларда: *Қашқадарё вилояти Китоб туманидан келган Нигора Собировонинг ўз қўли билан тиккан миллий дўпписи ҳаммага манзур бўлди; уюшма чеварлари ўзлари тиккан миллий либосларни намойиш этишмоқда.*

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

Мода ва дизайн ҳафталиги бошланди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу йирик лойиҳадан кўзланган асосий мақсад — мамлакатимизда мода ва дизайн соҳасида эришилган ютуқлар билан жамоатчиликни кенгроқ таништириш, истеъдодли ёшларнинг ижоди ва интилишини тўликроқ намоён этишига яқиндан кўмаклашиш, мода ва дизайн йўналишида юртимиз ҳамда хорижлик мутахассисларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашишига имкон яратишдан иборатдир.

Юртимизда мода ва дизайн ривожига кўрсатилаётган эътибор ўз ижобий самараларини бермоқда. «Осиё рамзи» модельерлар уюшмаси раҳбари Ҳолида Комилованинг таъкидлашича, юртимизда ўтказилаётган турли либослар фестивали, жумладан, ўтган йили «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган Мода ва дизайн ҳафталигининг фаол қатнашчилари халқаро миқёсдаги фестиваль ва кўрикларда муваффақият билан иштирок этмоқда. Саида Амир, Умида Мўминова, Дилноза Авезова, Артём Дробишев сингари ёш модельерларимизнинг Франция, Хитой, Чехиядаги модалар ҳафталиги, либослар фестивали ва нуфузли танловларда эришган ютуқлари бунинг ёрқин далилидир.

Бу йилги мода ва дизайн ҳафталиги қамровининг кенглиги, унда Япония, Россия, Германия, Франция каби давлатлардан машҳур дизайнерлар иштирок этаётгани билан аҳамиятлидир. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг иқтидорли ёш модельерлари ижодига бағишланган Миллий либослар фестивали, ёш дизайнерларнинг «Underground» модалар намойиши, графика ва фотография танлови, жаҳоннинг таниқли дизайнер ва стилчи-мутахассислари иштирокидаги маҳорат сабоқлари, тақдимот маросимлари, кўргазмалар, ижодий мулоқот ва давра суҳбатлари, концертлар мода ва дизайн ҳафталигининг энг ёрқин тадбирлари сирасига киради.

Иваййа Тошикадзу — Японияннинг ёшлар модаси йўналишида фаолият кўрсатаётган машҳур модельерларидан. У юртимиздаги мода ва дизайн ҳафталигида ўзининг ёшлар учун мўлжалланган туркум либослар тўплами билан иштирок этмоқда.

— Ўзбекистондаги мода ва дизайн ҳафталиги кўтаринки руҳи, юксак савияси, ранг-баранг йўналишлари, ўзида миллий ва замонавий мода услубларини мужассам этгани билан аҳамиятлидир, — дейди И.Тошикадзу. — Бундай тадбирда қатнашаётганимдан бехад мамнунман. Ҳафталик нафақат фикр ва тажриба алмашиш, балки янгидан-янги ижодий ғояларнинг туғилиши, истеъдодларнинг кашф этилишида муҳим аҳамиятга эга.

— Юртингизга биринчи марта келишим, — дейди ҳафталикнинг яна бир фахрий меҳмони, Франциянинг номдор дизайнерларидан бири Паскаль Морабито. — Ўзбекистон миллий либосларининг тарихи, анъаналари юксак санъат даражасига кўтарилган. Мен юртингизда аҳолининг, айниқса, хотин-қизларнинг жуда дид билан кийинишининг гувоҳи бўлдим. Буларнинг барчаси мамлакатингизда халқ фаровонлигини янада юксалтириш борасида кўрсатилаётган улкан эътиборнинг самараларидандир.

Ҳафталикнинг очилишида Япония, Франция ҳамда ўзбекистонлик дизайнерларнинг либослар коллекцияси намойиш этилди. Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт дастури байрамга янада кўтаринкилик бахш этди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

Суратларда: *мода ва дизайн ҳафталиги фаолиятидан лавҳалар.*

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар

Футбол

4,5 та йўлланмага йигирма даъвогар

2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати Осиё минтақаси саралаш учрашувларининг учинчи босқичида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Саудия Арабистони, Ливан ҳамда Сингапур футболчилари билан ўзаро куч синашади

Ер куррасининг энг нуфузли футбол байрами — навбатдаги жаҳон чемпионати бошланишига роппа-роса ўттиз бир ой қолди. 2010 йили Жанубий Африка Республикасида ўтказиладиган мазкур мусобақада дунёнинг 208 давлати ўртасида бўладиган саралаш баҳсларидан муваффақиятли ўтган 32 та мамлакат футболчиларигина қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Халқаро Футбол уюшмаси (ФИФА)нинг қарорига кўра, жаҳон чемпионати йўлланмалари қуйидагича тақсимланган: Европа қитъасига — 13, Африкага — 5, Осиё ва Жанубий Америкага — 4 тадан, КОНКАКАФга — 3 йўлланма. Шунингдек, саралаш босқичи якунида Осиёнинг бешинчи терма жамоаси Океания вакили, Жанубий Америкада эса бешинчи бўлган давлат футболчилари КОНКАКАФда тўртинчи ўринни эгаллаган терма жамоа билан уй-сафар тизими асосида баҳс юритиб, қолган икки йўлланма тақдирини ҳал этишади. Мусобақа мезбонлари — ЖАР футболчилари жаҳон чемпионати финал босқичида тўғридан тўғри қатнашадилар.

Хабарингиз бор, Осиё қитъасининг 41 терма жамоаси ўртасида шу йилнинг 8 октябридан саралаш баҳслари бошланган ва натижада улардан йигирматаси учрашувларни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритган эди. Жумладан, Рауф Инилеев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон терма жамоаси дастлабки босқичда Хитой-Тайпейи футболчилари билан уй-сафар тизими асосида куч синашиб (9:0, 2:0), тўғридан тўғри учинчи босқичга йўлланма олганди.

25 ноябрь куни Дурбан (ЖАР) шаҳрида жаҳон чемпионатининг навбатдаги босқич саралаш учрашувларига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унга кўра, қитъамизнинг йигирма терма жамоаси тўрттадан беш гуруҳга бўлиниб, кейинги босқичга бериладиган ўнта йўлланма учун ўзаро куч синашадилар. Уй-сафар тизими асосида ўтадиган мазкур босқичда Ўзбекистон миллий терма жамоаси мусобақанинг тўртинчи гуруҳидан жой олган. Унда ҳамюртларимиз Саудия Арабистони, Ливан ва Сингапур футболчиларига қарши майдонга тушадилар. Саралаш учрашувлари 2008 йилнинг февраль ойида бошланади.

Осиё минтақасининг қолган гуруҳлари қуйидагича кўриниш олган:

I гуруҳ: *Австралия, Хитой, Ирок, Қатар.*

II гуруҳ: *Япония, Баҳрайн, Уммон, Таиланд.*

III гуруҳ: *Жанубий Корея, КХДР, Иордания, Туркманистон.*

V гуруҳ: *Эрон, Қувайт, Бирлашган Араб амирликлари, Сурия.*

Мусобақа низомига кўра, ўз гуруҳларида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар кейинги босқичга йўлланма олади. Сўнгра иштирокчилар бештадан икки гуруҳга бўлиниб, жаҳон чемпионати финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини берувчи тўрт йўлланма соҳибини аниқлашади. Икки гуруҳда учинчи ўринни эгаллаган жамоалар ўртасида ўтган учрашувлар ғолиби эса «плей-офф» баҳсида Океания минтақаси вакили билан куч синашиб, сўнгги йўлланма тақдирини ҳал қилади.

Эркин ХОЛБОБО

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2007 йил 25, 28 декабрь ва 2008 йил 4, 8, 11, 15, 18, 22, 25, 29 январь кунлари аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли, 3-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академиясининг 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AR 562 бўлган «ГАЗ-31029» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич нархи — 3 000 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уйда жойлашган Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят бошқармасининг 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 TV 283 бўлган «ГАЗ-3102121» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич нархи — 11 960 000 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар автотранспорт воситасининг бошланғич нархидан 10% миқдорида закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Телефон: 133-23-40.

Миннатдорчилик

«Раҳмат сизга, шифокорлар»

Одатдагидай иш куни. Кечки пайт хонамизга бошида мошранг дўхоба дўппи, сочлари оппоқ, баланд бўйли киши ғоз юриш билан кириб келди. «Бир гап айтсам, газетада босиб чиқарасизларми?» деди у бироз ҳаяжон билан ҳали стулга ўтиришга таклиф этишга улгурмасимиздан. Олдинига шикоятчи бўлса керак, деган ўйга бордик.

— Эшитайлик-чи...

— Мен ҳозир тўппа-тўғри шифохонадан келяпман. Шифокорларга раҳмат айтмоқчиман. Улар менга қайта ҳаёт бахш этишди. Сергели тумани, Зиёкор 2-тор кўча, 4-уйда яшайман, Ирназаров Тоҳир, ёшим 58 да, собиқ ҳарбий хизматчи, иккинчи гуруҳ ногиронман. Уч ўғил, икки келиним, невараларим бор. Ўзимизга тўқмизу, аммо соғлиққа нима етсин... Бир неча йиллардан бери хафақонлик хасталигига чалинганман, тез-тез артериал қон босимим кўтарилиб туради, соғлиғим ночорлиги туфайли 2005 йилда учинчи гуруҳ ногирони бўлиб нафақага чиқдим.

2006 йилда юрак хуружи — инфаркт билан оғир бетобланиб қолдим. Сергели туманидаги 50-оилавий поликлиника врачи Лолахон Раҳимова доим соғлиғимни назорат қилиб боради. Афсуски, шу йилнинг май ойида ва яқинда хуруж яна қайталади... «Тез ёрдам» машинасида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказига олиб келишди. Аҳволим оғир эди, кўзимни очолмайман. Атрофимда оқ халатлилар зир югуришаётганини элас-элас сезиб турдим.

... Хуллас бу ердаги малакали шифокорлар мени ўлим чангалидан олиб қолишди, қайта тирилдим! Кўзимни очсам... бошимда оқ халатли одам. У профессор Йўлдош Зиёев экан. Менинг ҳаётимни сақлаб қолган бу инсондан умрбод миннатдорман. Жонлантириш бўлими бошлиғи, кардиолог Ҳусан ака Турсунов олти кун бошимда парвона бўлиб муолажа қилди. Ёнимда икки нафар ҳамшира, бир «энага»... кроватда қимирламай шифтга тикилиб ётдим. Кўз олдингизга келтиринг-а, бир билагимда осма укол, бир билагим «аппарат»да... Ҳатто овқат ея олмайман, қошиқ ушлаёлмайман. Шу аҳволда 6 кун деганда ўзимга келдим...

Кўриб турибсиз, оёққа турдим, Яратганга беадад шукурки, соғайдим, оилам бағрига қайтдим. Марказнинг врач-кардиологлари Клара Муҳамедова, Динара Булатова, Зуҳра Усмонова, Салия Сатвалиевалардан бир умр миннатдорман. Ният қилувдим, агар соғайиб оёққа турсам, тўғри «Ўзбекистон овози»га бораман-да, шифокорларга раҳмат айтаман, деб... Оталарига раҳмат! Шундоқ деб ёзинг!

Саида ЙЎЛДОШЕВА ёзиб олди.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Madaniyat va sport 133-69-45, 133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 133-12-56
Kotibiyat 133-72-83, 136-55-17
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1049
7824 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 23.00
1 2 3 4 5 6 8

Sotuvda erkin narxda